

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2019 йил 27 апрель • шанба • № 54 (4183)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

«БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ»:

ҲАМКОРЛИКДАГИ ТАРАҚҚИЁТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

ПЕКИН, 26 апрель. ЎЗА махсус мухбири Матназар ЭЛМУРОДОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Бир макон, бир йўл» халқаро форуми очилиш маросимидан сўнг икки томонлама учрашувлар ўтказди.

Форум ишида 40 дан зиёд хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари қатнашмоқда.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин анжуманини очиб, унда иштирок этаётган барча хорижий делегациялар раҳбарлари, кўп сонли эксперт ва таҳлилий доиралар вакилларига миннатдорлик билдирди.

Хитой Раиси БМТ, ШХТ, Европа Иттифоқи, Евроосиё иқтисодий иттифоқи каби халқаро ва минтақавий тузилмалар ҳамкорлигида амалга оширилаётган «Бир макон, бир йўл» қўшма лойиҳаси иқтисодий ривожланишга кенг йўл очишини, шу жиҳатдан у турли мамлакатларнинг миллий тараққиёт стратегиясига мос келишини таъкидлади. Лойиҳани биргаликда ҳаётга жорий этиш бутун дунёда иқтисодий ўсиш

суръатларини оширишда муҳим роль ўйнаши қайд этилди.

2017 йилда илк бор ўтказилган «Бир макон, бир йўл» халқаро форуми икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик механизмларини мустақамлаш, ривожланишнинг янги моделини излаш, шакллантириш ва ҳаракатлантиришга йўналтирилган лойиҳа сифатида эътироф этилмоқда.

Хитой илгари сурган мазкур ташаббус икки йўналиш – қуруқлик ва денгиз йўллари ривожлантириш ва ўзаро боғлаш орқали давлатлараро ҳамкорлик механизмларини мустақамлашга қаратилган. Ҳозирги кунда у Осиё, Европа ва Африкадаги 65 мамлакатни қамраб олган. Келгусида унга бошқа давлатлар ҳам қўшилиши натижасида глобал иқтисодий маконга айланади.

«Бир макон, бир йўл» лойиҳасининг асосий мақсадларидан бири глобал эр-

кин савдо тартибини қўллаб-қувватлаш, Осиё, Европа ва Африка мамлакатлари ўртасида интеграцияни кенгайтиришга қаратилган. Ҳисоб-китобларга кўра, бутун лойиҳанинг тахминий иқтисодий қўлами 21 триллион АҚШ доллари таъкид қилади.

Бугунги кунда 100 дан ортиқ давлат лойиҳада қатнашиш истагини билдирган, 40 дан зиёди Хитой билан ҳамкорлик қилиш бўйича битим имзолаган. Натижада 2013 йилдан 2017 йилгача Хитой ва «Бир макон, бир йўл» лойиҳасига қўшилган мамлакатлар ўртасида ташқи савдо айланмаси 4,8 триллион АҚШ доллари етди, йиллик ўсиш 4 фоиз ошди.

Хитой лойиҳа доирасида икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни назарда тутувчи «мослашувчан механизмлар»ни қўллаб келмоқда. Хитойнинг транзит-логистика соҳасига оид лойиҳалари Марказий Осиё мамлакатларининг жаҳон бозорига чиқиши, бошқа давлатлар билан саноат кооперациясини мустақамлашга кенг йўл очмоқда.

Ўзбекистон биринчилар қаторида «Бир макон, бир йўл» ташаббусини қўллаб-қувватлади ва унинг аъзо-таъсисчиларидан бирига айланди. Мамлакатимиз учун денгиз портларига чиқиш жуда муҳим. Шу боис, Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Африка бозорларига чиқиш имконини берувчи халқаро транспорт йўлакларини ташкил этиш бўйича лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда.

Жумладан, 2016 йилда Фарғона водийсини Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари билан боғловчи «Ангрен-Поп» электрлаштирилган темир йўли барпо этилди. Мазкур линия Хитойгача бўлган масофани 270 километр қисқартириш имконини берди. Бундан ташқари, Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон темир йўлининг қурилиши мамлакатларимиз учун улкан иқтисодий имкониятлар очди. Натижада мамлакатимиздан Хитой ва Ўрта Шарққа тўғридан-тўғри чиқиш имконияти юзага келади, юк ташиш вақти 5-6 суткага қисқаради. Янги автомобиль йўллари, жумладан, «Андижон-Ўш-Ир-

киштом-Қошғар» қатновини очиш минтақа давлатлари ўртасида ўзаро манфатли алоқаларни кенгайтириб, уларнинг иқтисодий тараққиётига қўшимча суръат бағишлайди.

2018 йилда Ўзбекистон ташқи савдо юкларини Хитойдан ва Хитойга темир йўл транспорти орқали ташишда 2017 йилга нисбатан 18,2 фоиз ўсиш кузатилди. Импорт юкларини ташишда 25,8 фоиз ўсишга эришилди.

Анжуманининг очилишида халқаро савдо ва инвестиция алоқаларини мустақамлаш, мамлакатларнинг иқтисодий бошқарув тажрибаларини тақомиллаштириш, янги транспорт ва логистика йўлакларини яратилишини рағбатлантириш бўйича амалга ошириладиган лойиҳалар ҳусусида сўз юритилди. Ўшбу лойиҳада иштирок этаётган мамлакатлар сафи кенгайиб бораётгани дунё миқёсида барқарор ривожланишга интилиш кучаяётганини ифода этиши таъкидланди.

2



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши Сенатнинг ўн тўққизинчи ялпи мажлисини жорий йилнинг 3 май куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

Хукумат қарори билан «Инсонлар ҳаёти, саломатлиги, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулки, атроф-муҳит учун хавфли ва сифатсиз бўлган маҳсулотларни олиб кириш, ишлаб чиқариш ва сотиш хавфи мониторингини юритиш тартиби тўғрисида»ги низом тасдиқланди.

«Хўқуқий ахборот» канали

Вазирлар Маҳкамасининг «Мақтабгача ҳамда умумтаълим муассасалари фаолиятини текшириш ишларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

kun.uz

Гулистон шаҳрида Ўзбекистон – Қозоғистон қўшма демаркация комиссиясида икки давлат ҳукуматлари делегацияларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

uza.uz

Ўзбекистонда А.Герцен номидаги Москва онкология илмий-тадқиқот институтининг филиаллари очилади.

minzdrav.uz

Туркиянинг «Yildirim Holding» компанияси Сурхондарё вилоятида 1,2 миллиард долларлик лойиҳа асосида ИЭС қуришни режалаштирмоқда.

mfa.uz

Жалғасбай Бердиханов Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш вазирлиги этиб тайинланди.

kun.uz

Пойтахтимиздаги «International Hotel Tashkent» меҳмонхонасида Осиё велоспорт конфедерациясининг навбатдаги конгресси ўтказилди.

uza.uz

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги Русланбек Давлетов Жаҳон банкининг давлат сектори бўйича катта мутахассиси Валид Хайдар Малик билан учрашди.

uza.uz

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ томонидан Freedom Finance инвестиция компанияси билан ҳамкорликда «Инвестор кунини» он-лайн анжумани ўтказилди.

ishonch.uz

Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети Жанубий Кореянинг Кюмин университети билан меморандум имзолади.

maryo.uz

Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети (ТДТУ) Ўзбекистоннинг атом электр станциясини қуриш режалари билан боғлиқ ҳолда атом тармоғи учун кадрлар тайёрлашни бошлади.

daryo.uz



Андижон вилояти

Муҳаммад Юсуф таваллудининг 65 йиллиги

Шеърят сайлига айланган кеча

Андижонда Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 65 йиллиги кенг нишонланди.



У.И.Сурати

... Марҳамат тумани Қовунчи қишлоғининг қўчалари шоир мухлислари, кенг жамоатчилик, ўқувчи ёшлар билан тўлди. Шоир таваллуд топан хонадонда, дафн қилинган қабристонда тиловатлар ўқилди.

Андижон шаҳридаги Муҳаммад Юсуф ижод мактаби ҳамда шоир номи билан аталувчи хиббонда ташкил этилган катта адабий кеча ҳақиқий шеърят сайлига айланди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вакиллари, пойтахт ва узоқ-яқиндан ташриф буюрган шоир-у адиблар, қўшни қирғизистонлик меҳмонлар ҳамда Фарғонадаги Эркин Воҳидов, Намангандаги Исҳоқхон Ибрат номли, Жиззахдаги Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактабларининг иқтидорли йигит-қизлари шоир хохирасига эҳтиром кўрсатдилар.

– Муҳаммадхон одамлар

дарди билан яшарди, – дейди Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим. – Унинг шеърлари ўйлатади, йиғлатади, кулдиради, қалбларга жойлашади. Юрт, Ватан, қишлоқ, бахт, армон, орзу, садоқат, айрилиқни сўз билан сеҳрлаб қўядиган ноёб қобилият эгаси эди. Шу билан бирга саҳийлик тимсоли ҳамдир. Борини дўстлари, яқинлари билан баҳам кўрарди.

Адабий анжуманда шоир ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи расмлар кўргазмаси, китоблар савдоси ташкил қилинди. Тадбирларда ёшлар шоир шеърлари билан куйланувчи она, Ватан, гўзаллик, муҳаббат ҳақидаги қўшиқларни жўр бўлиб ижро этдилар. Ўқувчилар ўртасида «Баҳри байт» танлови узоқ давом этди.

Нурилло НЎҲОМОНОВ, «Ishonch»



Наманган вилояти

Наманган шаҳрида «Океан» сув спорти саройи фойдаланишга топширилди

Наманган «ОКЕАН»идан дунёга йўл



Иншоотнинг тантанали очилиш маросими том маънода байрамга айланиб кетди. Қувончдан кўзлари порлаган йигит-қизлар, нуроний ота-хон-у онахонлар, забардаст замондошларимиз жаҳон андозасидаги объектнинг наманганликларга ўзига хос совға бўлганини таъкидлашдан чарчашмади.

Маросимда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов, Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт ишлари вазирлиги Дилмурод Набиев, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Аюбхон Камолов ва бошқалар иштирок этди.

Мазкур мажмуа Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси маблағлари эвазига бунёд бўлди. 2016 йилнинг 1 октябридан бошланган қурилиш ишлари жорий йилнинг 1 апрелида мамоламанди.

воннинг бир бўлаги вазифасини бажараётганимиздан хурсандимиз.

– Юртимизда ўхшаши йўқ мазкур объектнинг имкониятлари юқори, – дейди Жисмоний тарбия ва спорт ишлари вазирлиги Дилмурод Набиев. – Халқаро Олимпия қўмитаси талабларига тўлиқ жавоб берадиган бассейн, томошабинлар блоки, тиббиёт хонаси, ҳатто, вестибулгача юқори дид ва синчковлик билан тузилган. Эндиликда наманганлик спортчилар учун ҳам жаҳон ареналарини забт этиш имконияти яратилди.

Тантанали тадбир давомида объектни қуришда иштирок этган бир гуруҳ фидойиларга вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиғи ҳамда қимматбаҳо совғалари тақдим этилди.

2

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИНГ:



Беш ёшли «Ҷамирлар» ёшда болалар қандай қўшиқ шитмоқда?



28 апрель – Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни

МУНОСИБ МЕҲНАТ ШАРОИТИ – САМАРАДОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Халқаро меҳнат ташкилоти ташаббуси билан ҳар йили 28 апрель – Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни сифатида кенг нишонланади. Мазкур сана муносабати билан мамлакатимизда «Хавфсизлик, саломатлик ва келажақдаги меҳнат» мавзусида ҳафталик тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

Қашқадарё вилояти

Иш унуми нимага боғлиқ?

«Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятида ташкил этилган давра суҳбатида туман ва шаҳарлар электр таъминоти корхоналарининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллари, хавфсизлик техникаси муҳандислари ҳамда касба уюшма етакчилари иштирок этди.

Тадбирда Халқаро меҳнат ташкилоти тарихи, унинг асосий фаолияти ҳақида йиғилганларга мухтасар маълумот берилди. Шундан сўнг корхонанинг эксплуатация ва техник масалалар бўйича директори Сирожиiddин Асқаров меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида 2018 йилда амалга оширилган ишлар ва 2019 йилдаги вазифалар тўғрисида маъруза қилди.

Таъкидландики, ходимларга қулай ва хавфсиз иш шaroитлари яратиш мақсадида КИТОБ, ЯККАБОҒ, Дехқонобод, Шаҳрисабз туманлари электр таъминоти корхоналари ва хизмат бўлимлари стол-стуллар билан таъминланди. КИТОБ тумани электр таъминоти корхонаси маъмурий биноси қайта таъмирланаётир, Чирочки ТЭҚДа эса янги маъмурий бино қуриш ишлари амалга оширилмоқда.

АЖнинг хавфсизлик техникаси хизмати бошлиғи Мансур Бўриев меҳнат шaroитларининг умумий касб касалликлари, меҳнат жароҳатларига тўсиқ бўлиши ва нохуш ҳолатларнинг олдини олиш тўғрисида қилган маъруза ҳам дол-

зарблиги билан иштирокчилар эътиборини тортиди.

«Дехқонобод калий заводи» масъулияти чекланган жамиятида ҳам сана муносабати билан қатор тадбирлар ташкил этилди. Жумладан, корхона касба уюшма кўмитаси ташаббуси билан меҳнатни муҳофаза қилишга оид 500 донга эслатма-китобча чоп этилди ва ишчи-хизматчиларга тарқатилди.

Мазкур қўлланмада Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни, Халқаро меҳнат ташкилотининг дунё миқёсида касб касалликлари ва бахтсиз ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлари, меҳнатни муҳофаза қилишда иш берувчи ва касба уюшмасининг роли каби маънавий муҳим ҳодисалар ёритилган. Ишчилар томонидан меҳнат муҳофазаси бўйича саволлар билан мурожаат қилиш мумкин бўлган манзиллар ва масъул шахслар телефон рақамлари кўрсатилган.

Тадбирлар доирасида «Меҳнат муҳофазаси бўйича шахсий ҳимоя воситалари, махсус пойабзал ва кийимлар» кўргазмаси ҳам ташкил этилди. «Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши жамоатчи вакил» кўрик-тан-

лови ғолиблари диплом ва эсдалик совғалари билан мукофотланди.

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида битирувчи курс талабалари учун ташкил этилган ўқув дарси ҳам аynи шу йўналишдаги тадбирлардан бири бўлди.

Вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раис ўринбосари Исоқ Аҳмедов ёшларга касба уюшмаси, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси хусусида қисқача маълумот берди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши ёшлар билан ишлаш бўлими мудири – ёшлар масалалари бўйича раис маслаҳатчиси Раҳматилла Қорабоевнинг ёшларга оид давлат дастури ижросига оид тавсиялари, Нефть-газ ва геология ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши бўлим бошлиғи Собир Эгамбердиевнинг тармоқда меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари ҳақида тайёрлаган слайд ва видеороликлари битирувчиларда катта таассурот уйғотди.

Касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Анавар Ҳужакулов эса ёшларга корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат муҳофазаси ишлари билан боғлиқ бўлиб қилиш зарурлиги ташкил этиш ва ходимларга хавфсиз меҳнат шaroитлари яратишда иш берувчи ҳамда касба уюшмаларининг вазифалари тўғрисида муфассал сўзлаб берди.

Сурхондарё вилояти

Вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг катта мажлислар залида бўлиб ўтган касба уюшма фаоллари, иш берувчилар ва уларнинг вакиллари иштирокида шу мавзудаги давра суҳбатини вилоят бирлашма кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедов бошқариб борди.

Ҳимояланган фаолият асоси

Тадбирда Темирийўлчилар ва транспорт қурувчилари касба уюшмаси Республика кенгашининг меҳнат муҳофазаси бўлими мудири Ж.Валихоннов, вилоят бандлик бош бошқармаси меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шaroитлари экспертизаси давлат бош инспектори Ж.Чоршанбиев, «Са-ноаттеоконтехназорат» давлат инспекцияси Сурхондарё минтақавий инспекцияси давлат инспектори ўрол Маллаевнинг маърузалари тингланди.

«Жарқўргоннефть» АЖнинг соғлиқни сақлаш, sanoат хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Зоир Омонов меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссия фаолияти, вилоят бош ТМЭК раиси ўринбосари Исмаилов Азизов ТМЭК томонидан меҳнатда майиб бўлиш ёки касб касаллигига чалинган ногиронлиқни белгилаш ҳамда касбий меҳнат лаёқати йўқотилиши даражасини аниқлаш, уларни касбга йўналтириш бўйича тавсия-

номалар бериш ва ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда вилоят ДСЭНМ санитария-гигиена бўлими меҳнат гигиена бўлини маси мудири Жуманазар Болтаев иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлиги юзасидан аттестациядан ўтказиш ишларини ташкил этиш ҳақида батафсил маълумот беришди.

Давра суҳбатида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига оид муаммолар ва уларнинг ечимига оид фикр-мулоҳазалар ўртага ташланиб, чора-тадбирлар юзасидан савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Тадбир якунида Сурхондарё вилоятида Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан Республика кўрик-танловининг биринчи босқичи ғолиблари «Энг яхши ташкилот», «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил», «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис» номинациялари бўйича тақдирланди.

хассис» номинациялари ғолибларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Вилоят ташкилотларидаги тадбирлар янада қизғин тус олди. Хусусан, «Урганч-транспаз» унитар корхонаси тизимига қарашли Хива туманидаги ўқув маркази биносидан тизимдаги корхоналар инженер-техник ходимлари, меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар, касба уюшма фаоллари иштирокидаги семинар-тренинг жонли мулоқот асосида ташкил қилинди.

Ўқув маркази директори Баҳром Авезов иштирокчиларни муассаса фаолияти билан таништираркан, мураккаб технологик жараёнларни амалга оширишда меҳнат муҳофазаси талабларига қатъий риоя қилишнинг аҳамияти нечоғлиқ катта эканлигини таъкидлаб ўтди.

«Урганч ёғ-мой» акциядорлик жамиятида ташкил қилинган давра суҳбатида иштирокчилар Меҳнат муҳофазасига доир янги маълумотлардан хабардор бўлганлигини эътироф этишди.

Қизгин руҳда кечди

Самарқанд вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Аёллар ва ёшлар меҳнати муҳофазаси – эътибор марказида» мавзусидаги амалий мулоқотда бирлашма кенгаши раиси Сўҳроб Рафиқов ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларга атрафлича тўхталиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссия раиси Дилором Файзиёва, Ўз-ҚУФК меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Нодира Каримова, вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Гавҳар Алимова муносиб меҳнат шарт-шaroитлари, аёллар ва болалар меҳнатини ташкил этиш йўл-йўриқлари, ушбу тоифа вакиллари-га қонунчиликда белгиланган имтиёзлар хусусида маълумот беришди.

Тадбир сўнггида Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан Республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиблари тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва касба уюшма вакиллари шаҳардаги «Самарқанд чой қадоклаш» фабрикаси, «Зарафшон текстиль» масъулияти чекланган жамиятида ишчи-ҳодимларга яратилган меҳнат шарт-шaroитлари билан танишдилар.

Вилоятдаги корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазасига оид қатор тадбирлар бўлиб ўтди. Шунингдек, касба уюшмалари томонидан ҳудуддаги олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ўртасида «Меҳнатга оид ҳуқуқингизни биласизми?», «Муносиб меҳнат деганда нимани тушунасиз?» каби мавзуларда савол-жавоблар, викториналар ташкил этилди.

Муносиб меҳнат соғлом ҳаёт асосидир. Ўтган бир ҳафталик тадбирларда ижтимоий шерикликка асосланган ҳамкорликнинг амалдаги самарасига бир қур назар ташланди.

Сирдарё вилояти

Келажаққа йўналтирилган сармоя

Сирдарё вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси фаоллар залида ўтган тадбирда таъкидландики, меҳнат муҳофазасига йўналтирилган маблағ харажат эмас, балки келажақ учун инвестициядир.

Тадбирнинг бош мақсади меҳнат жараёнларида банд бўлган кишиларнинг хавфсизлик техникаси қондалари, маданияти ва меҳнат гигиенасига амал қилиш юзасидан етарли даражада кўникма ҳосил қилишидир. Шу билан бирга, ижтимоий шериклик асосида муаммоларни ҳамкорликда бартараф этиш кўзда тутилган.

Барча турдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга иш берувчи ва ходимлар эътиборини қўйиштиришга қаратилган ўқув семинар бўлиб ўтмоқда. – дейди вилоят касба уюшма ташкилотлари

«Гулстон экстракты» АЖ ва «Фортуна текстиль» МЧЖ ишлаб чиқариш корхонасида ташкил этилган муносиб меҳнат жараёни билан танишдилар.

Тадбирда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси бўлим мудири Маҳмуджон Исаев ҳамда Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раис ўринбосари Маҳмуджон Бобоёров мавзу юзасидан сўзга чиқди.

Энг муҳими, ушбу бандлар бажарилиши ҳисобига 2018 йилда 116 минг нафардан ортиқ ишчи-ҳодимларга қулай, хавфсиз иш шaroитлари яратиш, иш берувчининг фўқаролик жавобгарликлари сўғурта қилиши, иш шaroитини шaroҳатлаш каби муҳим тадбирлар амалга оширилди.

Тадбир давомида Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоат назоратини ташкил этиш юзасидан Республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиблари тақдирланди.

Семинар иштирокчилари «Гулстон экстракты» АЖ ва «Фортуна текстиль» МЧЖ ишлаб чиқариш корхонасида ташкил этилган муносиб меҳнат жараёни билан танишдилар.

Тадбирда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси бўлим мудири Маҳмуджон Исаев ҳамда Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раис ўринбосари Маҳмуджон Бобоёров мавзу юзасидан сўзга чиқди.

Хоразм вилояти

Ҳаёт муҳофазаси демакдир

Вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Хавфсизлик, саломатлик ва келажақдаги меҳнат» мавзусида давра суҳбати ташкил қилинди.

– Ҳар бир ишчи-ҳодим ўз вазифасини лозим даражада бажаришида, ишдан қаноатланиши, ўтган кунидан ва жамоасидан рози бўлишида меҳнат муҳофазаси талабларига риоя қилишнинг аҳамияти катта, – деди бирлашма раиси Даврон Аллакулиев тадбирни бошлаб бераркан.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси фаолиятига доир видеоорлик иштирокчиларни фикр-мулоҳазага чорлади. Федерация кенгаши юридик бўлими мудири Ҳ.Премкулов мамлакатимизнинг меҳнат қонунчилигида меҳнат муҳофазаси масаласига алоҳида ўрин

берилгани, бу соҳа давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида эканини таъкидлаб ўтди. Дунё миқёсида меҳнат муҳофазаси масаласига қай даражада эътибор қаратилаётганини рақамлар ва мисолларга таянган ҳолда асослаб берди.

Давра суҳбатида «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг амалга татбиқ этилиши, ишларни беҳатар олиб бориш услублари, ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда содир бўладиган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш чора-тадбирлари, иш берувчининг фўқаролик жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш, умумий касб касалликлари, меҳнат жароҳатлари ва нохуш ҳолатларнинг олдини олиш йўллари, иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатланиш хавфлиги юзасидан аттестациядан ўтказишни ташкил этиш масалалари атрафлича муҳокама қилинди.

Вилоят бандлик бош бошқармаси давлат меҳнат техник инспектори Халиллулла Исақжанов, Ўзбекистон Республикаси sanoат хавфсизлиги давлат кўмитаси Хоразм ҳудудий бошқармаси инспекцияси бошлиғи Болтабой Раҳматуллаев, «Ўзгросўғурта» компанияси Хоразм вилоят филиалининг бўлим бошлиғи Қаҳрамон Абдуқодиров, вилоят ДСЭНМ мутахассиси Азамат Сапаев ва бошқаларнинг мавзу доирасидаги маърузалари тингланди.

Тадбир доирасида Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан Республика кўрик-танлови вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам ўтказилди.

«Энг яхши ташкилот», «Энг яхши касба уюшма кўмитаси», «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил», «Меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мута-

рат «Иссиқхона биноси». Бошланғич баҳоси – 606 863 500 сўм.

4-лот. Ромитан тумани, Газли шаҳрида жойлашган, умумий майдони 1190,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 372,0 кв.метрдан иборат «Савдо дўкони биноси». Бошланғич баҳоси – 50 370 000 сўм.

Аукцион савдолари 2019 йил 14 май куни соат 11:00 да Газли шаҳри, А.Темур кўчаси, 1-уй манзилида бўлиб ўтади.

2019 йил 14 май куни аукцион савдолари бўлиб ўтмаган ЛОТ бўйича 2019 йил 21-28 май кунлари такрорий аукцион савдолари ташкил қилинади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар

лар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Газли шаҳри, А.Темур кўчаси, 1-уй (Газли магистрал газ қурувлари бошқармасининг автотранспорт ва техникаларни сақлаш бўлими биносидан) манзилида аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган санадан бир кун олдин бўлган муддатга қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар:

– «Аукцион ташкилотчиси» билан тузилган закат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдориди закат пуллари тўлашлари;

– жисмоний шахслардан паспорт нусхаси;

– юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси

ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Заказат тўлови учун реквизитлар: «Golden Build Trading» масъулияти чекланган жамияти, СТИР: 302118823, МҲО: 00111, АТБ «Турон банк»нинг Бухоро вилояти филиали, Ҳ/р: 20208000704953182001.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил: Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй (2-қават), Газли шаҳри, А.Темур кўчаси, 1-уй (Газли магистрал газ қурувлари бошқармасининг автотранспорт ва техникаларни сақлаш бўлими биноси). **Телефонлар:** (+99890) 298-92-61. **E-mail:** mauzatak@mail.ru

Аукцион ташкилотчиси – «Golden Build Trading» масъулияти чекланган жамияти.

Лицензия № RR-0117

«Golden Build Trading» масъулияти чекланган жамияти такрорий очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларида Ромитан тумани Газли магистрал газ қурувлари бошқармасининг 2019 йил 22 апрелдаги 55104-331-сонли буюртма хатига асосан бошқарма ҳисобидида қуйидаги кўчмас мулк объектлари ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибида чиқарилмоқда:

1-лот. Ромитан тумани, Газли шаҳрида жойлашган, умумий майдони 720,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 132,0 кв.метрдан иборат «Туялар учун кўра». Бошланғич баҳоси – 23 639 000 сўм.

2-лот. Ромитан тумани, Газли шаҳрида жойлашган, умумий майдони 412,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 136,0 кв.метрдан иборат «Тикув цехи биноси». Бошланғич баҳоси – 22 585 000 сўм.

3-лот. Ромитан тумани, Газли шаҳрида жойлашган, умумий майдони 20000,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 9747,0 кв.метрдан иборат

ТАЪБИЯ

Таъбия, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқ касба уюшмаси Фарғона тумани кенгаши раиси Охунжон Раҳмоновга отаси **Абдужалил Раҳмонов**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 62-умумтаълим мактаби (Янгийўл шаҳар ҳокимлигининг 2017 йилдаги 01/3-4-сонли қарори билан Янгийўл туманидаги 62-умумий ўрта таълим мактаби Янгийўл шаҳар 6-умумий ўрта таълим мактабига ўзгартирилган) томонидан 2016 йилда Хасанова Маложат Баҳромжон қизига берилган UN7576106 рақамли шахадатнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти Янгийўл шаҳри Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Янгийўл шаҳри, «Муштақилли» маҳалласи, Оқолтин кўчаси, 16а-уй учун Алимов Комилжон Адил-ович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Муҳаммад Юсуф таваллудининг 65 йиллиги



Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон халқ шоири

Кеча Муҳаммад Юсуф таваллуд топган кунга 65 йил тўлди.
Шоир 1954 йил 26 апрелда Андижон вилояти Марҳамат туманида туғилган. Рус тили ва адабиёти институтини (ҳозирги Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети) тавомлаган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясида таҳсил олган. Республика Китобсеварлар жамиятида, «Тошкент оқшоми» газетасида, Фафур Ҳулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида, «Тафаккур» журналида, «Ўзбекистон овози» газетасида хизмат қилди. 1998 йилдан умрининг охиригача Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида фаолият юритди. Шоир шеърлари халқимиз юрагидан муносиб ўрин топган. Унинг шеърлари еттидан етмишгача бўлган шеърхонлар тилидан мушмайд, дилларида акс-у садо беради. Шоир 2001 йил 1 августда 47 ёшида вафот этган.

Ота десам,
Ўғлим деб,
Бош эгиб турган чинорим,
Қўйнимдаги ифтихорим,
Бўйнимдаги туморим,
Ўзинг менинг улуғлардан
Улуғимсан, Ватаним!

ИҚРОР

О, ота маконим.
Онажон ўлкам,
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.
Сендай меҳрибон йўқ,
Сенингдек кўркам.
Римни алишмасман бедапоянгга.

Бир гўша сув бўлса, бир гўша қирлар,
Қанча юртни кўрдим, қанча тақдирлар.
Қайга борсам сўяб, бошини тик тут деб,
Тоғларнинг ортимдан эргашиб юрар.

Кўрдим сулувларнинг энг фарангларин.
Ё худбинман мен ё бир содда касман мен —
Парижнинг энг гўзал ресторанларин,
Битта тандирингга алишмасман мен.

На гапга кўнайин,
На тил билайин,
Кўздан уйқу қочди, дилдан ҳаловат —
Уч кунда соғинсам нима қилайин,
Чала қолар бўлди ҳамма саёҳат.

Билдимки, барида улуғим ўзинг,
Билдимки, яқини шу тупроқ менга.
Баҳорда Бахмалда туғилган кўзинг,
Араб оҳусидан азизроқ менга.

Сен билан ўтган ҳар кун байрам — базм,
Сенсиз бир он қолсам ваҳжим келарди.
Сени билангиз қиламан таъзим,
Сени билмасларга раҳим келарди.

ОНА ТИЛИМ

Гарчи зуғум қилганларни ёқтирмадим,
Шеър ёздим-у бўлак ишни қотирмадим.
Тилим туриб ўз тилимда зағирмадим,
Бир эсласам эзилади бағри-дилим,
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Онам «эркам» деб кучганда тунлар ярим,
Эрким йўқ, деб зирқирарди бир жойларим,
Паровозни ҳансиратган бугдойларим,
Олтинларим, маъданларим, ипакларим,
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Кимлар учун биз эдик бир бадавийлар,
Ўзбекини қон қақшатганини ўзбек сийлар,
Ҳолимизни қон қузапти Яссавийлар,
Топганимиз ҳандаладек тилим-тилим,
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Кимдир майда миллат бўлди, кимдир катта,
Катта миллат — Афандиси йўқдир, ҳатто,
Биз пиёда, биз боққанлар юрди отда,
Зулм ўтса қақат сендан ўтди зулм,
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Сен бўлмасанг нима бизга силлиқ шеърлар,
Бу дунёда тили йўқда дил йўқ дерлар,
Баҳоринг-ку бериб кетган Алишерлар,
Юрагимнинг тўридаги сўлмас гулим,
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Бир қарасам ҳар шевангда минг жиллар
Ҳар новдангда, ҳар мевангда минг жиллар.
Қодирийлар, Қўллонлар-у Абдуллар,
Сенинг қайтган кунинг мен туғилган йилим,
Она тилим, эй муқаддас Она тилим.

БАТАНИМ

Мен дунёни нима қилдим,
Ўзинг ёруғ жаҳоним,
Ўзим ҳоқон,
Ўзим султон,
Сен тахти Сулаймоним,
Елғизим,
Ягонаи дейми,
Топинган кошонаи дейми,
Ўзинг менинг улуғлардан
Улуғимсан, Ватаним...

Шодон куним гул отган сен,
Чечак отган узимга,
Нолон куним юпатган сен,
Юзинг босиб юзимга.
Синглим дейми,
Онам дейми,
Ҳамдард-у ҳамхонам дейми,
Офтобдан ҳам ўзинг меҳри
Илиғимсан, Ватаним.

Сен Машрабсан,
Халқда тумор,
Балхда дорга осилган,
Навоийсан, шоҳ ёнида
Фақирини дуо қилган.
Яссавийсан, меники деб,
Кўринган даъво қилган,
Минг бир ёғи очилмаган
Қўриғимсан, Ватаним.

Сен Хўжандсан,
Чингизларга
Дарвозасин очмаган,
Темури Малик орқасидан
Сирдарёга сакраган,
Муқаннасан қорачи
Оловларга сачраган,
Широқларни кўрган чўпон,
Қўлиғимсан, Ватаним.

Ким Қашқарни қилди макон,
Ким Энасой томонда,
Жалолитдин — Курдистонда,
Бобуринг — Ҳиндистонда,
Бу қандай юз қаролиғ, деб
Етарлар зимистонда,
Тарқаб кетган тўқсон олти
Уруғимсан, Ватаним...

Ўғлим десанг осмонларга
Ғирот бўлиб учгайман,
Чамбил юртда Алпомишга
Навкар бўлиб тушгайман,
Падаркушдан пана қилиб
Улуғбегинг кучгайман,
Ғичир-ғичир тишимдаги
Сўлиғимсан, Ватаним...

Ўтган кунинг — ўтган кундир,
Ўз бошинга етган кун,
Қодирийни берган замин,
Қодирийни сотган кун.
Қўлин боғлаб,
Дилин доғлаб,
Етаклашиб кетган кун,
«Воҳ болам!» деб айтолмаган
Дудуғимсан, Ватаним.

Ёнингда қон йиғлаган бир
Шоирингга қараб қўй,
Гар Қўқона ўйинг тушса,
Детдомларни сўраб қўй.
Ҳеч бўлмаса Усмон хокин
Келтирмоққа яраб қўй,
Олисларда қуриб қолган
Кудуғимсан, Ватаним...

Сен — шоҳлари осмонларга
Тегиб турган чинорим,



Ташкилотчилар — Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар «Бойсун баҳори» халқаро фестивали ўтказишга тайёр эканлигини маълум қилишди.

Таъкидланганидек, Паданг қишлоғида ҳар йилдагидан-да ўзгача тайёргарлик кўрилиб, 50 дан ортиқ хорижий мамлакатлар ҳамда республикамизнинг турли ҳудудларидан келган меҳмонлар учун барча шароитлар яратилди.

Миллий қадрият ва анъаналар тараннум этиладиган асосий сахнада мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган фольклор-этнографик халқ ансамбллари ва бадий жамоаларининг, иккинчи сахнада Сурхон воҳасининг барча туман ва шаҳарларининг бадий жамоалари ўзаро беллашади.

Анъаналар улуғланаётган майдон атрофида 100 дан ошқ ўтовлар тикилиб, кўрғонлар барпо этилди. Қураш мусобақасига алоҳида жой тайёрланиб, республикамизнинг нуфузли ҳакамлари тақлиф қилинди. Шунингдек, арқон тортиш, чиллак ўйинлари, варрак ва шар учирш, хўроз ва қўқор уриштириш ҳамда бошқа бир қатор турли халқ миллий ўйинлари учун пухта ҳозирлик кўрилади.

Бойсун туманига кириш жойидан тортиб, барча кўча ва хиебонларгача «Бойсун баҳори»ни тараннум этадиган баннер, афишалар ўрнатилган. Хунармандлар учун барча шароитлар яратилган. Тантаналар бўлиб ўтадиган майдонда тиббиёт пунктлари хизмати ва кўча докторхоналар, фитобарлар ташкил этилган.

Хорижлик меҳмонлар учун диққатга сазовор жойларга саёҳат уюштириш

йўлга қўйилган.

Тантаналар шодиёналарида юртимиз санъаткорларидан ташқари, Тожикистон, Афғонистон, Туркменистондан бир қатор хорижлик кўшиқчи, ҳофизлар, мусиқачилар ҳам хизмат кўрсатади.

Фестиваль якунида энг яхши фольклор-этнографик ва энг яхши ўтов-уй ўрнатган жамоалар, спорт ва халқ ўйинлари ғолиблари муносиб тақдирланади.

Қадриятлар байрами бўлмиш ушбу тантанада Бойсун заминидан бир нечта ҳаво шарлари кўкка кўтарилади. Кечкурунги тадбирда баланд тоғлар атрофида гулкан ёқилиб, мушакбозлик ҳам ўтказилади. Сурхон эли ҳайратомуз томошаларга барча юртдошларимизни чорлаб қолади.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch»



Мўлоҳаза

Яна тўйлар ҳақида ўйлар...

Тўйлар ҳақида китобларда, мақолаларда, ёзма ва оғзаки нутқларда турфа хил фикр-мўлоҳазалар билдирилган. Масалан, «Ўзбек тилининг изоҳли лўғати»да шундай дейилади: тўй — ўйланиси, турмушга чиқиш, хатна қилиш ва бошқа муносабатлар билан зиёфат бериб, базм-томошалар билан ўтказилган халқ маросимларининг умумий номи.

Бу атамани шундайлигича қабул қилар эканман, юз йилдан ортиқ умр кўрган раҳматли отам Тожи Тошболтаевнинг қишлоғимиз оқсоқоларига тўй ҳақида маслаҳат солгани эсимга тушди:

— Биласизлар, бригадир Аҳмадали Усмоннинг катта қизини келин қилганми. Келгуси чоршанбада тўй қилиб, шуни маҳалла-қўйга маълум қилсак дегандим. Сизлар нима дейсизлар?

— Луғатдаги таъриф ва отамнинг гапларини қориштириб, тақлиф этаман: тўй, бу ўғилнинг уйланиши, қизнинг турмушга чиқиши ва боланинг хатна қилиниши маҳалла-қўйга маълум қилиш мақсадида зиёфат дастурхони ва ўйин-қўлғилар билан ўтказилган оилавий тантана.

ЙИҒСАНГ ЕТАСАН, СОВУРСАНГ НЕТАСАН?

Пешона тери эвзига йиллар давомида йиғилган давлатни бир кунлик дабдабали тўй учун суиистеъмол қилиш қип-қизил нодонликдан бошқа нарса эмас. Буни «Қобуснома»даги мана бу панд ҳам тасдиқлаб турибди: «Мол жам этгондин сўнг яхши сақлағил ва ҳар бузук иш учун қўлдан бермағил. Агар молнинг кўп бўлса, уни тақдир ва тадбир била ишга яратғил. Кўп ранж била топиғон ганжчи ғафлат ва хоҳиллик била қўлдан бермақ ақлли кишининг иши эрмасдур».

Ҳикмат

Тўй ва таъзияга сарф қилинган турғон оқчаларимизни биз, туронийлар, илм ва дин йўлига сарф этмас, анқариб оғрутойлардек тараққий этармиз ва ўзимиз-да, динимиз-да обрўй ва ривож топар. Йўқ, ҳозирги ҳолимизга давом этмас, дин ва дунёга зиллат ва мискинликдан бошқа натижа бўлмайди.

Маҳмудхўжа Бехбудий

ШУҲРАТПАРАСТ ТҶИЛЛАРГА

Дабдабали тўйларга ружу қилган шухратпарастлар, пул топиб, ақл толмаганлар ёки кўрпасига қараб оёқ узатмаётганлар оталаримизнинг қуйидаги ҳикматларини эсдан чиқарган кўринадилар:

— шухрат-парастлик энг кучли хоҳишдир. Мени бу хоҳишдан халос этгин, қолганларидан эса ўзим қутуламан;

— шухрат-парастлик бу-қўлқидан кўра кўпроқ ожизлик белгисидир;

— шухратпарастлик ўзимиз лойиқ бўлмаган шон-шухратга бевақф эга бўлишга уринишдан бошқа нарса эмас;

— беҳуда кучаниш белни синдиради;

— шухратпарастлик киши бошига тушадиган оғир қўлфатларнинг манбаъи.

БАЛОГА ҚҶЙМАҒИЛ

Икки тўйдан кейин икки ҳолнинг гувоҳи бўлганман: биринчиси — узатилган қиз йигирма кун

ўтмасданоқ қайтиб келди. Гап тарқалди: йигит қўшила олмапти; иккинчиси — янги келин ўн кундан кейин қўринмай қолди. Гап тарқалди: қизнинг мижози совуқ экан, йигитнинг кўнгли қопти.

Биринчи ҳолдаги йигитнинг айбини унинг ўзи ҳам, ота-онаси ҳам яхши билади. Лекин билиб туриб бир боқира қизга «эрга тегиб чиққан» деган нохуш номни олиб беришди.

Иккинчи ҳолдаги қиз айбини билмаган, билса-да онаси ёки отасига айтишдан уялган бўлиши мумкин. Тиббиёт комиссиялари тўйдан олдинги текширувларда бунақанги камчиликларни аниқлай оладими, йўқми, билмайман.

Нима бўлганда ҳам қув «уйланган» келин «эрдан чиққан» деган маломатта қолишиди.

Бу икки ҳол оддий нарса эмас, эр-хотинликнинг бошланиши ва абадийлигини белгилловчи энг асосий омил. Йигитнинг отаси, акалари, қизнинг онаси, опалари бундан олдиндан эътиборга олишлари шарт. Бу масалани нозиклиги ва долзарблигини яхши билган Унсурулмаолий Кайковус бундан 936 йил аввал ўзининг «Қобуснома» асарида «Аммо агар билсанким, ўғилнига қадҳудо бўлмоқлик ва хотин оломоқлик майли бўлмаса, бир мусулмоннинг қизини балага қўймағилки, иккови ҳам бир-бирининг безор бўлурлар» деб огоҳлантирган.

ҚАРЗГА ОЛИНГАН ТЎЕНА
Ҳашаматли тўй қилиб, «ино-марка» машина сотиб олиб ёки дангиллама қарз — иморат қуриб қарздор бўлиб қолганларни билармиз. Бир танишларда (у — профессор) шу нарсаларнинг ҳаммаси мухайё: ўғил-қизларидан қўтулган, лекин қарзи бор. «Сизда бу қарз

қардан пайдо бўлди» деб сўрасам, шундай жавоб берди: «Бир дўстимга тўена қилиш учун иккинчи дўстимдан олган қарз пулларим ҳисобига».

«Ана ҳолс! Тўена учун ҳам қарз олинар экан-да», деб қўйдим. Кечкурун луғат китобини очдим: «тўена — тўй муносабати билан шу тўй эгаларига яқинлари томонидан қилинган (қилинадиган) пул ёки кийим-бош тариздаги совға»; «совға — кимсанинг кўнглини олиш ёки хизматларини тақдирлаш учун тортиқ қилиб бериладиган нарса; ҳадя, туҳфа». Буларни ўқиб, ўйлаб қолдим. Менинг танишим тўй эгаларига кийим-бош совға қилмаган, албатта, пул совға қилган. Бир йилда ўн-ўн беш марта, шундан энг камида беш-олтита сени долларда (у 65-70 ёшларда, кўп тўй қилган, одамларнинг ошини хўб еган).

Шуларни ёзаётим бир китобдаги мана бу пандага қўзим тушди: «Имконинг кўтаришига қараб саҳийлик қил, бировларга тақлид қилган ҳолда саҳийлик қилма! Қарз олиб, бунинг эвзига қилинган саҳийлик қандай саҳийлик бўлади, бошқаларнинг молидан олиб, бировларга едиршидан нима фойда?»

ТЎЕНА ШАКЛИДАГИ ПОРА

Барча вилоятларда ўз ташкилотларига эга катта бир идоранинг бошлиғи эрталабки ош пайтида тушган тўеналарни унинг панасида турган ҳолда рўйхатга олишни ҳодимлар бўлими бошлиғига «ишониб» топирибди. Конвертлар тўйбошининг қўлидан дарҳол унга ўтпти. У конверт устига Эшмат, Тошмат деб ёзпти. Идорадаги бошқарма бошлиқлари, вилоятлардаги ташкилотлар раҳбарлари, бу идорага иши тушиб турадиган турли-туман корхоналар бошлиқлари унинг қўлига очқандан-очқик конверт «қистирибди» ўтмоқдалар. Ҳеч ким на ташвишланяпти ва на хижолат тортапти. Чунки бошқа пайтда берилса пора бўлади, ошда эса — тўена.

Бу энди кечаги гап. Бугуннинг гапи: яхасин ихчам тўйлар!

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,
профессор

МУАССИС:



2007 йил 11 январда
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
116-рақам билан рўйхатга
олинган.

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти — (71) 256-64-69
Хуқуқ ва халқаро ҳаёт — (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна — (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон
Республикаси Президентининг фармон ва
қарорлари, энг сўнгги аниқлиқлар, таҳлилий,
танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни
билан танишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shagʻol» нашриёт-матбаа анциядорлик компанияси босмақонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7003,

АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон
Республикаси — (+998-99) 889-90-22
Андижон — (+998-99) 889-90-23
Бухоро — (+998-99) 889-90-31
Жиззах — (+998-99) 889-90-25
Наманган — (+998-99) 889-98-02
Навоий — (+998-99) 889-90-28
Самарқанд — (+998-99) 889-90-26
Сирдарё — (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё — (+998-99) 889-90-32
Фарғона — (+998-99) 889-90-24
Хоразм — (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё — (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи
назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Т. Шернаев

Мусаҳҳи:

С. Шодиева

Саҳифаловчи:

Ҳ. Абдужалилов

ЎзА яқини — 23:05

Тошпирилди — 00:10

Газета офсет усулида,

А-2 форматда босилди.

Ҳақими 2 босма табоқ.

Буюртма № 417.

30112 нусхада босилди.

Нашр кўрсатиши: 133